

МАЪНАВИЯТ ВА ҚАДРИЯТ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти

Давлат музейи катта илмий ходими

Валиева Ҳадияхон

Ҳар бир халқнинг миллий қадриятларини унинг тарихи маънавияти, маданияти ўзига хос урф-одати анъанасиз тасаввур қилиш қийин. Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва улар томонидан баҳоланиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим. Қадриятлар-маънавий камолот асоси “Қадриятлар-жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”.

Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча. Миллий қадриятлар миллат учун аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ. Дунёда ўзига хос қадриятлар бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Кейинги вақтларда Ўзбекистонда миллий қадриятларга эътибор кучайди. Бу она юртга эҳтиром, авлод-аждодлар хотирасига садорқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устиворлиги билан тавсифланади. Қадриятларнинг фақат моддий ва маънавий ва маънавий бойликлар сифатини ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Шундай бўлсада, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Ҳаракатлар стратегияси”-ислоҳатларнинг янги босқичи бўлиб, унда аҳолини, оилаларни маънавий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш етакчи ўринни

эгаллайди. Жумладан, “Ота-боболаримиз илм ўрганиш билан бирга фарзандларимизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий-маънавий ахлоқий қадриятларни сингдирганлар “Ўзбекларнинг аксарияти яқин одамларнинг қўшниларнинг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қандай соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб, камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, -деган фикрлари ёш авлодни миллий қадриятлар асосида етук, баркамол этиб тарбиялашда барчамизга куч-ғайрат бағишламоқда. ”Мамлакатимиз учинчи ренессанс даврига қадам қўяр экан жамият маънавият ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш асосий вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси қадриятлар моҳиятини бутунлай янгича идрок этиш, дунёқараш, мафкура ва фикрлаш тарзимизда сифат ўзгаришлари қилишдан иборатдир. Гап шундаки, диний қадриятлар ёки қадриятлар моҳиятини диний асосда тушуниш ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, биродарлик, меҳр-оқибат ва бошқаларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир

“Миллий қадриятлар ота-боболардан бизгача етиб келган удумлар; Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврўз, уруғ-дон экиш ва ҳосил байрамлари, бешик тўйи, суннат тўйи, Никоҳ тўйлар, уй-жой тўйи, қазо маракаси билан боғлиқ турли маракамаросимлар ,шунингдек, халқнинг ҳар хил анъаналари-ҳашар, ота-оналарга ҳурмат, ёшларга иззат, қарияларга муруват, миллий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш, илм олиш, оила мустаҳкамлигига эришиш, устозлар қардига етиш, вафот этганлар қабрини зиёрат этиш, халққа муҳаббат, Ватанни севиш ва ардоқлаш, аскарликка ўз ихтиёри билан бориш, байналмилалчи бўлиш кабиларни ўз ичига қамраб олади”. Миллий қадриятларнинг асоси бўлган маънавият ва маданият

деганда, инсон хулқ-атворининг, саҳоватлилиги, олижаноблилиги, ваъдасига вафодорлиги, ҳаёлилидир.

Маънавият ва қадрият тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Маънавият қадрият тушунчасига нисбатан бой ва кенг қамровли тушунчадир. Қадрият маънавият таркибига киради ва уни ривожлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам қадрият деганда, кишиларда аввало маънавий қадриятлар тўғрисидаги тасаввур пайдо бўлади.

Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади. Дарҳақиқат, ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аجدодлари кимлар бўлганини, ота-боболари нималар билан шуғулланишгани ва қандай умр кечиришганини билиб олиш умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди. Тарихни, ўтмишни тўғри тушуниш осон эмас. Биз ўзгача вазият ва тарихий босқичда яшаётганимиз сабабли ҳар доим ҳам ўтмиш ҳодисаларига тўғри баҳо беравермаслигимиз мумкин. Ўтмишда нафақат ижобий тажрибалар, шу билан бирга, кўпинча субъектив характерга га бўлган хатолар, камчиликлар ҳам мавжуд бўлади. Бундан ташқари, тарихни тўғри идрок этишда ўтмишда яратилган маданий мерос, қадриятлар муҳим аҳамиятга эга.

Қадриятлар муаммосининг тарихий таҳлили, аввало, ривоятлар, афсоналар, ҳикоялар дostonларга, яъни, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Ўзбек халқ дostonи “Алпомиш”да муҳаббат ва дўстлик, Тумарис ва Широқ тўғрисидаги афсоналарда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик, Ҳотами Той ҳақидаги эртакларда қўли очиклик, бағрикенглик, ҳокисорлик, “Кунтуғмиш”да оила ва фарзандларга муҳаббат руҳи бадий тасвирланган. Юқоридаги рисоладагидек муносабатларни шакллантиришда аждодларимиздан бизга мерос қолган ахлоқий, маънавий, маданий қадриятларни билиш, ўрганиш ва ҳаётда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Киши учун жуда керакли бўлган

икки аъзо бор: бири-тил, бошқаси-юрак. Тил сўз учун , юрак кўнгил эса шу сўздан лаззатланиши учун берилган”, деган фикри ота-оналарни ва ёшларни гўзал, чиройли сўзлайдиган, маънавий баркамол, юксак одоб ва илм эгаси бўлишларида кўл келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1. “Таммаддун журнали” 4-сон 2021 йил 6-бет.**
- 2. Интернет материаллари.**